

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА [REDACTED] ВИЛОЯТ СУДИ
АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
АЖРИМИ**

2020-йил октябрь ойининг 7-куни жиноят ишлари бўйича [REDACTED] вилоят суди апелляция инстанциясининг очик суд мажлиси ўз биносида бўлиб,

Раислик қилувчи, вилоят суди раиси ўринбосари [REDACTED], хайъат судьялари: [REDACTED] ва [REDACTED] лардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси [REDACTED] нинг котиблигида, тарафлардан вилоят прокуратураси бўлим прокурори [REDACTED], ҳимоячи [REDACTED], судланган [REDACTED], [REDACTED], жабрланувчи [REDACTED] ларнинг иштирокида, [REDACTED], [REDACTED] ларга нисбатан чиқарилган жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар судининг 02.07.2020-йилги ҳукми устидан судланганларнинг ҳимоячилари билан биргаликда келтирилган апелляция тартибидаги шикоятлари асосида жиноят ишини кўриб чиқиб қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар судининг 2020-йил 2-июлдаги ҳукмига мувофиқ:

1958-йил 20-июнда [REDACTED] вилоятининг [REDACTED] туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, нафақахўр, судланмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, [REDACTED] тумани, [REDACTED] маҳалласининг [REDACTED] кўчасидаги 30-уйнинг 1-хонадонида яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат қўлланилган [REDACTED] га

Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан 5.575.000 (25 баравар) сўм жарима жазоси тайинланган.

1959-йил 4-июнда [REDACTED] вилоятининг [REDACTED] туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, нафақахўр, илгари [REDACTED] шаҳар судининг 25.01.2019-йилги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 228-моддасининг 1-қисми, 228-моддасининг 3-қисми билан ЖК нинг 45,59-моддалари тартибида 1,5 йилга муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва 1,5 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоларига судланган, [REDACTED] вилоят суди апелляция инстанциясининг 20.03.2019-йилги ажрими билан ҳукмнинг судланганни ЖК 228-моддасининг 3-қисми билан айбли деб топиш қисми бекор қилиниб, ЖК 228-моддасининг 1-қисми билан ЖК нинг 45,57-



моддалари асосида 1,5 йилга муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш ва 4.607.500 (25 баравар) сўм жарима жазolari тайинланган, МИБ [REDACTED] туман бўлимининг 21.08.2019-йилги қарори билан жарима жазоси тўлангани муносабати билан ижро ишини юритиш тамомланган, муайян ҳуқуқлардан маҳрум қилиш жазосини ҳам 06.04.2020-йилда ўтаб бўлгани муносабати билан ҳисобдан чиқарилган, оилали, 5 нафар фарзанди бор, [REDACTED] вилояти, [REDACTED] туманидаги [REDACTED] маҳалласи, Ойқор кўчасидаги 40-уйнинг 1-хонадониди яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат қўлланилган [REDACTED]

Ўзбекистон Республикаси ЖК 139-моддасининг 1-қисми билан 5.575.000 (25 баравар) сўм, ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан 5.575.000 (25 баравар) сўм, ЖК нинг 59-моддаси тартибида 6.690.000 (30 баравар) сўм жарима жазоси тайинланган.

Жиноятлар оқибатида етказилган моддий-маънавий зарарларни ундириш масалалари юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқларига эга экани жабрланувчига тушунтирилган.

Дастлабки тергов органлари томонидан йўл қўйилган камчиликларга [REDACTED] ажрим чиқарилган.

Суднинг ҳукмига кўра, 2018-йилнинг май ойида [REDACTED] ва [REDACTED], [REDACTED] тумани прокурори, туман ИИБ, туман ҳокими номига аризалар қилишиб, аризаларида фуқаро [REDACTED] нинг шахси ва кадр-қимматини қасддан камситиб, уни ҳақорат қилиш ва фуқаро [REDACTED] ни фирибгарликда айблаб, унга нисбатан тухмат қилишдан иборат Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 40,41-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлари учун [REDACTED] шаҳар маъмурий судининг 28.12.2018-йилги қарори билан маъмурий жавобгарликка тортилган бўлишларига қарамасдан, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ўтмасдан туриб, [REDACTED] 08.10.2019-йилда фуқаролик ишлари бўйича [REDACTED] вилоят судининг биносиди, кўриклаш хизмати сафдори [REDACTED] нинг ҳузурида фуқаро [REDACTED] ни унинг шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, ҳақорат қилиш, [REDACTED] эса 14.01.2019-йилда жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар суди биносиди фуқаро [REDACTED] нинг ҳузурида, 03.04.2019-йилда [REDACTED] тумани [REDACTED] МФЙ биносиди маҳалла котиби фуқаро [REDACTED] нинг ҳузурида фуқаро [REDACTED] ни шаъни ва кадр-қимматини беодоблик билан қасддан таҳқирлаб, уни ҳақорат қилиш, 29.05.2019-йилда [REDACTED] вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига ёзган аризаларида фуқаро [REDACTED] нинг илгари [REDACTED] вилоятининг [REDACTED] туманида яшаб, у ердан халқ орасиди обрў-эътибори тўкилиб, вилоятнинг [REDACTED] туманидаги 18-совхозига кўчиб кетгани, у ерда ҳам халқ



орасида обрўсини йўқотиб, 18-совхоздан 17-совхозга кўчиб кетгани кабиларни кўрсатиб тухмат қилишдан иборат, Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда [REDACTED] эса Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми, 139-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилганлар.

Ҳимоячи [REDACTED]нинг судланганлар билан бирга келтирилган шикоятда, суд биносига ўрнатилган кузатув камерасидаги ёзувларни олиб таҳлил қилмасдан туриб, гувоҳ [REDACTED]нинг кўрсатувларини [REDACTED]ни айблашга асос сифатида олиб бўлмаслиги, ишнинг 2-жилди, 78-бетидаги қарорда тушунарсиз тарзда жиноят иши 28.08.2019-йилда Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан номаълум шахсларга нисбатан қўзғатилгани кўрсатилгани, ваҳоланки мазкур қарорнинг [REDACTED]ларга умуман алоқаси йўқлиги, [REDACTED] иш материаллари билан тергов якуни бўйича таништирилмасдан, фақат суд давридагина таништирилгани ва бу билан унинг ҳимояга бўлган ҳуқуқлари бузилгани, [REDACTED] ўрталаридаги аксарият тортишувларда айнан [REDACTED] иштирок этгани сабабли, [REDACTED]нинг айблови эпизодига тааллуқли гувоҳ [REDACTED] кўрсатмасини айбловга асос қилиб олиб бўлмаслиги, чунки бундай ҳолатда унинг кўрсатувлари шубҳалилиги, [REDACTED] томонидан гўё 14.01.2019-йилда ёзиб олинган деб судга тақдим этилган дискни ҳам далил деб баҳолаб бўлмаслиги, чунки суд залига таклиф этилганлар қоида тариқасида рўйхатдан ўтиб, мобиль алоқа воситаларини қолдириб киришлари туфайли, ушбу дискни ҳам айбловга асос қилиб олиб бўлмаслиги, бундан ташқари [REDACTED]нинг яшаш жойини ўзгартириб, вилоятнинг бир туманидан бошқа туманига кўчиб ўтиши сабаблари етарли текширилмасдан, [REDACTED] нисбатан тухмат қилишликда асосиз айблангани кабилар кўрсатилиб, суд ҳукмини бекор қилиш ва [REDACTED]ларни оқлаш сўралган.

Судлов ҳайъати иш бўйича вилоят судининг судьяси [REDACTED]нинг маърузасини, прокурор [REDACTED]нинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги хулосасини, ҳимоячи [REDACTED]нинг, суд ҳукмини бекор қилиш ва [REDACTED], [REDACTED]ларни оқлаш, судланган [REDACTED]ларни, шикоятни қувватлашлари, ҳимоячиларига қўшилишлари ва ўзларини оқлашни сўрашлари, жабрланувчи [REDACTED]нинг суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги ва суд мажлисида келтирилган важларни иш материалларидаги ҳужжатлар билан бирга текшириб ҳамда муҳокама қилиб, қуйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Апелляция инстанцияси суди мажлисида сўралган судланган [REDACTED]нинг унга нисбатан шахсий адовати борлиги, [REDACTED] 2016-йилнинг март ойида [REDACTED] тумани, [REDACTED] маҳалла раиси вазифасида ишлаган даврида ўтказилган йиғилишда, унинг раислик ваколоти муддатидан олдин тугатилгани, ўша пайтлар ўзи маҳаллалар



фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича ишчи гуруҳ раҳбари лавозимида ишлагани ва йиғилишда қатнашгани, [REDACTED] шу кунга қадар устидан ариза билан турли органларга мурожаат қилиб келаётгани, 12.09.2019-йилда [REDACTED] вилоят судига маънавий зарарни ундиришга оид иш юзасидан кассация инстанцияси суди мажлисида иштирок этиб, суд залидан чиқиб кетаётганида, [REDACTED] а яқинлашиб, “қўлингдан нима келди” дегани, унинг гапига эътибор бермагани, лекин [REDACTED] орқасидан келиб, суднинг фуқароларни кутиш эшиги олдида, кўлидан ушлаб, “қўлингдан нима келади, ур мени ур” деб гапиргани, унга “қўлингни мендан ол” деб, телефонини назорат пунктдан олиб, уйига кетгани, 08.10.2019-йилда ФИБ [REDACTED] вилоят суди биносининг фуқароларни кутиш хонасида ариза ёзмокчи бўлиб турганида, хонага [REDACTED] кириб келгани ва стулга ўтириб, “қўлингдан нима келди, мен аёл кишиман, гапим ҳамма жойда ўтади” дегани, аризасини ёзиб, девонхона ходимига топшириб, бинонинг чиқиш эшигидан чиқаётганида, эшик очилавермагани, шунда эшикка қарата, жажл қилиб, ҳақоратли сўз ишлатиб, ўзига-ўзи “сен етмай тургандинг” деб чиқиб кетгани, [REDACTED] билан мулоқотда бўлмагани ва уни ҳақоратламагани, 28.12.2018-йилда [REDACTED] тумани ҳокими номига [REDACTED] нинг ҳатти-харакатларидан норози бўлиб ёзилган аризасида “илонни боласи илон, чаённи боласи чаён бўлади” деган жумлалар борлиги учун, Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 40-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилгани, 08.10.2019-йилда ФИБ [REDACTED] вилоят судининг фуқароларни кутиш хонасида ташқарига чиқаётган вақтида эшикка қарата “хароми” дегани тўғрилиги, бироқ [REDACTED] бу сўзлар унинг шахсига қарата айтилган деган нотўғри хулосага келгани ва иккаласи ҳозирга қадар судлашиб келаётганлари, дастлабки суруштирув жараёнида ҳеч кимни ҳақорат қилмагани кабиларни баён қилиб;

Апелляция инстанцияси суди мажлисида сўралган судланган [REDACTED] ҳам, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаган [REDACTED] кизи билан жанжаллашиб қолганидан буён онаси [REDACTED] билан келишолмаслиги, 28.04.2018-йилда [REDACTED] туманидаги [REDACTED] маҳалласига [REDACTED] билан бирга кириб келиб, “[REDACTED] маҳаллада ҳеч ким эмас, мен уни маҳаллада ишлатмайман, ўзимни маслаҳатчим бор” деб [REDACTED] ни кўрсатиб, “[REDACTED] нинг оиласи нобоб, нотинч, эри алкаш, ўғиллари жангари, оиласини тарбиялаб олсин” деб, ҳаммани олдида ҳақоратлаб бинодан чиқиб кетгани, 23.07.2018-йилда [REDACTED] нинг ҳақорати юзасидан Гидроколлежда бўлиб ўтган маъмурий суднинг сайёр суди мажлисида ҳам [REDACTED] уни “оиланг нобоб, эринг алкаш, болаларинг никоҳсиз турмушга берилган, болаларинг жангари” деб ҳақоратлагани, бундан ташқари [REDACTED] ўша ерда йиғилиш иштирокчилари олдида уни ҳақоратли сўзлар билан ҳақоратлагани, ушбу ҳолат юзасидан туман ИИБ га ариза билан мурожаат қилгани, аризаси юзасидан ўтказилган терговга қадар текширувда [REDACTED] нинг ҳаракатларида жиноят аломатлари аниқланмади дейилиб, жиноят иши кўзгатиш рад этилгани, 03.04.2019-йилда маҳалла котиби билан бирга



маҳалла биносида маълумотномалар ёзиб ўтирган вақтида хонага [REDACTED] кириб келиб, маҳалла котиби [REDACTED] дан қизи З.Норовани меҳнат дафтарчасини сўрагани ва унга қараб, “сен кимсан, бу ерда ўтиришга ҳаққинг йўқ, жиноятчисан, 60 ёшингда судландинг, жиноятчи, жиноятчи” деб бақариб бинодан чиқиб кетгани, 28.12.2018-йилги [REDACTED] шаҳар маъмурий судининг ўзига нисбатан чиқарилган қарори нотўғрилиги, бу ҳолатда ҳам [REDACTED] нинг тухмати асосида маъмурий жавобгарликка тортилгани, 14.01.2019-йилда жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар судига ўзининг иши юзасидан борган вақтида судга гувоҳ бўлиб келган [REDACTED] га “[REDACTED] виждонингни ҳам сотдингми” деб айтгани, шунда [REDACTED] гапга кўшилиб, “ўл олтмиш ёшингда судландинг, жиноятчисан, жиноятчисан” деб, уни яна ҳақорат қилгани, [REDACTED] шаҳар маъмурий судининг 28.12.2018-йилги қарори устидан норози бўлиб, кассация шикоятни ёзгани, шикоят бериш муддати ўтиб кетгани сабабли шикоятни қўрилмасдан қолдирилгани, Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 228-моддаси билан нотўғри айбланиши бўйича ҳам суднинг ҳукмидан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят ёзгани, лекин натижа бўлмагани кабиларни баён қилиб, [REDACTED] лар айбларини тўлиқ тан олмаслик мазмунидаги кўрсатувларни беришган бўлсаларда, уларнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир этганлари қуйидаги далиллар билан, жумладан:

Апелляция инстанцияси суди мажлисида сўралган жабрланувчи [REDACTED] нинг, 2018-йилнинг апрель ойида [REDACTED] туманининг “[REDACTED]” маҳалласида 4 йил маҳалла раиси лавозимида ишлагани, ўша вақтда фуқаро [REDACTED] ни маҳалла мутахассислигига ишга олмагани, [REDACTED] ва [REDACTED] бир неча йилдан буён шахсий адоватда бўлиб келиб, ўзаро тил бириктириб, 2018-йилнинг май ойида “[REDACTED]” маҳалласи фуқаролари [REDACTED] ва бошқа жами 20 нафар фуқароларга оқ қоғозга имзо қўйдиришиб, [REDACTED] тумани ҳокими ва [REDACTED] тумани прокурори номига устидан шикоят қилиб, ўзини “илон” деб, фарзандларини “чаён” деб, бошқа тухматли сўзларни ёзиб ҳақорат, тухматлар қилишиб, фуқароларга оқ қоғозга имзо қўйдиришиб, юқори ташкилотларга устидан бўхтон сўзлар билан тухмат қилиб ҳақоратлаганлари, ушбу ҳолат юзасидан [REDACTED] тумани ИИБ га ариза билан мурожаат қилгани, ИИБ ходимлари аризаси бўйича суриштирув қилиб, жиноят ишини қўзғатишни рад этишгани ва маъмурий иш 2018-йилнинг декабрь ойида маъмурий судга юборилгани, [REDACTED] шаҳар маъмурий суди [REDACTED] арни Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 40,41-моддалари билан жавобгарликка тортиш ҳақидаги 28.12.2018-йилги қарорини чиқаргани, 14.01.2019-йилда жиноят ишлари бўйича [REDACTED] шаҳар судига жабрланувчи сифатида борганида [REDACTED] суд биносига кириш эшигида “мен судланмайман, сен икки марта судланиб чиққансан” деб, шаъни ва кадр-қимматини камситиб, ҳақоратлагани, 03.04.2019-йилда “[REDACTED]” маҳалласи биносига келиб қизи [REDACTED] ни ишдан бўшаганлиги ҳақидаги баённомани котиба [REDACTED] дан сўраганида, [REDACTED] котибага “баённомани бермайсан” дегани, [REDACTED] шу ерда шаъни ва кадр-қимматини камситиб, яна



ҳақоратлагани, [REDACTED] ва [REDACTED] лардан маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судига борганида, [REDACTED] ҳам фуқаролик судига қарши даъво ариза ёзиб бериб, аризасида “хайвон”, “хўкиз” каби сўзларни ишлатиб, ҳақоратлагани, аризасида “қорлар ёғиб, излар босилди, мен зиёлиман деб, [REDACTED] нинг керилишига хаёт нима дер экан, [REDACTED] нинг кадр-қимматини обрўсини, тушурганим йўқ, у [REDACTED] дан обрўси тўкилиб 18-совхозга, 9-совхозга, сўнгра 17-совхозга келиб қолган, йўқ обрўсини энди тиклай олмайди”, деган тухматли сўзлар билан ҳақоратлагани учун ИИБ га ариза билан мурожаат қилгани, аризаси [REDACTED] шаҳар ИИБ га юборилгани, 2019-йилнинг июль ойида [REDACTED] вилоят фуқаролик судига [REDACTED] ва [REDACTED] ларнинг устидан ўзига етказилган моддий-маънавий зарарларни ундиришга оид қарор устидан [REDACTED] шикоят ёзгани учун судга келганида ва вилоят суди биносидан чиқаётган вақтида, [REDACTED] шаъни ва кадр-қимматини таҳқирлаб, ҳақоратлагани, 08.10.2019-йилда вилоят фуқаролик судига илгари ишлаган ишига таклашни сўраб ёзган аризаси юзасидан суд биносига чакиртирилганида, [REDACTED] олдига келиб, “сенга ҳали кўрсатаман шошмай тур” дегани ва суд биносининг чиқиш эшиги олдига етгач, кўриқлаш хизмати ходими [REDACTED] нинг ҳузурида ўзига қарата “хароми” деган сўзни айтиб, ҳақоратлаб кўчага чиқиб кетгани;

Апелляция инстанцияси суди мажлисида сўралган гувоҳ [REDACTED] нинг, [REDACTED] вилояти ИИБ [REDACTED] бош бошқармасининг алоҳида батальони сафдор ходими бўлиб ишлаши, 08.10.2019-йилда бирга хизмат қилаётган шериги [REDACTED] билан фуқаролик ишлари бўйича [REDACTED] вилоят суди биносига кўриқлаш хизматини олиб бораётганларида, соат 11.30 ларда суд биносига фуқаро [REDACTED] келгани, бироздан сўнг фуқаро [REDACTED] ҳам кириб келгани, шу ердаги фуқароларнинг кутиш залида улар ўзаро гап таллашиб тортишиб, жанжаллашиб кетишгани, [REDACTED] хонадан чиқаётган вақтда орқасига қарамасдан, “хароми” деган ҳақоратли сўзларни айтиб, эшикни очиб кўчага чиқиб кетгани, шу вақт ўзи 5-6 метрли масофада турникет олдида тургани, шундан сўнг [REDACTED] қўл телефони билан ИИБ га кўнғироқ қилиб, профилактика инспектори А [REDACTED] келгани ва воқеа тафсилотларини суриштиришни бошлагани, профилактика нозирига бўлган воқеани айтиб бергани, [REDACTED] “хароми” деб айтган вақтдан бироз олдинроқ, [REDACTED] билан тортишгани, ўша вақтда бинода [REDACTED] дан бошқа бирор-бир кимса бўлмагани, шериги [REDACTED] ни ҳақоратлаган вақтда жойида бўлмагани, уни кейин хабардор қилгани, шу сабабли [REDACTED] томонидан айтилган “хароми” деган сўз, [REDACTED] га нисбатан айтилган деб ўйлаши, яъни [REDACTED] олдига келиб, “ [REDACTED] мени ҳақоратлади” дегани учун, “хароми” деган сўз [REDACTED] га йўналтирилган деб тушуниши ҳақидаги баёнотлари;

Гувоҳ [REDACTED] нинг, тергов ва биринчи инстанция суди мажлисидаги, 14.01.2019-йилда [REDACTED] ни Ўзбекистон Республикаси ЖК нинг 228-моддаси билан айблашга оид иши бўйича суд мажлисига гувоҳ



тариқасида чақиртирилгани, [REDACTED] шаҳар судига боришгани, судда қатнашиб, суд биносидан чиқиб кетаётганида, суд биносининг эшиги олдида [REDACTED] билан [REDACTED] қарата “виждонингни қанчага сотдинг” дегани, [REDACTED] “опа, сиз олий маълумотлисиз, нима деган гапингиз бу” дегани, шунда [REDACTED] “мендай бўла олмайсан-ку” дегани, [REDACTED] ҳам “мен ҳам сиздай бўлишни хохламайман” дегани, шу вақт [REDACTED] га “[REDACTED] нинг гапларига эътибор берма, ҳар ким қазиган чоғига ўзи тушади” дегани, [REDACTED] эса [REDACTED] қараб “сен кимсан, икки марта судланиб чиққансан-ку” деб, ҳақоратлагани, шундан сўнг, [REDACTED] ва [REDACTED] лар суд биносидан чиқиб кетишгани, 02.07.2019-йилда Сирдарё вилояти маъмурий судига гувоҳ тариқасида чақиртирилган вақтда суд залида [REDACTED] нинг эри ва [REDACTED] лар ўзаро жанжаллашиб кетишгани, Т [REDACTED] га қараб суд залида “сен шайтоннинг урғочисан” деб ҳақоратлагани, судья ИИБ ходимларини чақиртиргани, ИИБ ходимлари келиб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштиришгани, 2019-йилнинг август ойида, вилоят фуқаролик судига гувоҳ тариқасида чақиртирилганида ва суд биносидан чиқиб кетаётганида, ИИБ ходимлари турадиган эшик олдида [REDACTED] ни сабабсиз ҳақорат қилгани, [REDACTED] ни ёнига важохат билан яқинлашиб, бироқ ИИБ ходимлари олдида важохатидан тушиб, кўчага чиқиб кетгани, 14.01.2019-йилда ҳам “сен икки марта камалиб чиққансан” деб, Ш [REDACTED] нисбатан тухмат ва ҳақорат қилгани ҳақидаги баёнотлари, гувоҳлар [REDACTED], [REDACTED] ўхшаш мазмундаги ва юқоридагиларни тасдиқлашлари ҳақидаги кўрсатувлари, аризалар, юзлаштириш баённомалари ва иш бўйича тўпланган бошқа объектив далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топган.

Суд томонидан [REDACTED] нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 140-моддасининг 1-қисми билан, [REDACTED] нинг ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 139-моддасининг 1-қисми ва 140-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган ва уларга қонун доирасидаги асосли жазо чоралари тайинланган.

Судлов ҳайъати шикоятдаги важларни, апелляция инстанцияси суди мажлисида тарафлар томонидан келтирилган барча важларни иш материалларидаги ҳужжатлар билан биргаликда текшириб ва таҳлил қилиб, қўидагиларни таъкидлайди.

[REDACTED] ларнинг иш материаллари билан тергов якуни бўйича таништирилмасдан, фақат суд давридагина таништирилгани каби ва бошқа тергов камчиликларига биринчи инстанция суди томонидан тегишлича муносабат билдирилган ва [REDACTED] вилояти ИИБ ТБ бошлиғининг эътибори жалб этилиб, хусусий ажрим чиқарилган.

Дастлабки тергов органлари, биринчи инстанция суди томонидан фуқаролик ишлари бўйича [REDACTED] вилоят суди биносидаги кузатув камераларининг 08.10.2019-йилги ёзувларини олиш юзасидан чоралар



кўрилганидан ташқари, апелляция инстанцияси суди томонидан ҳам тегишли суд раиси номига шу мазмундаги сўровнома хати юборилган.

Фуқаролик ишлари бўйича [] вилоят суди раисининг 17.09.2020-йилги, №1-1263-20 сонли хатида, суд биносидаги кузатув камералари АКТ ходими томонидан урганиб чиқилгани, кузатув камерасининг хотира хажми камлиги сабабли, бинонинг кириш қисмидаги 08.10.2019-йилги видеоёзудан нусха беришнинг имконияти йўқлиги маълум қилинган.

[] шаҳар маъмурий судининг 28.12.2018-йилги [] [] ларга оид суд қарорининг юқори инстанция судларида кўрилиши натижалари текширилиб, [] вилоят маъмурий судининг 05.02.2019-йилги ҳал қилув қарори билан [] ҳақидаги [] шаҳар маъмурий судининг 28.12.2018-йилги қарори ўзгаришсиз қолдирилгани аниқланди, [] а оид суд қарорининг юқори инстанция судларида кўрилиши натижалари юзасидан апелляция инстанцияси судининг сўровномаси тегишли судга юборилган.

[] шаҳар маъмурий судининг 24.09.2020-йилги, №01-15 сонли ҳамда [] вилояти маъмурий судининг хатларида, [] ҳам ўзига оид суд қарори устидан кассация тартибида шикоят қилгани ва шикоят 18.02.2020-йилда тегишли тарзда расмийлаштирилиб, [] вилоят судига юборилгани, бироқ кассация шикояти бериш муддатлари ўтказиб юборилгани, мазкур масала қарор чиқарган суд томонидан муҳокама қилинмагани кўрсатилиб, вилоят судининг 03.03.2020-йилги хати билан [] нинг шикояти иш билан бирга кассация инстанциясида кўрилмасдан қайтарилгани, кассация шикояти бериш муддатини тиклаш юзасидан илтимоснома (ариза) берилмагани маълум қилинган.

Шунингдек, [] ларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлари [] туман судида 22.06.2020-йилда кўрилиши вақтида [] ларнинг судда раислик қилувчи судьянинг фармойишларига бўйсунмаслик, суд мажлиси тартибини бузиш ва судга ҳурматсизлик қилишдан иборат Ўзбекистон Республикаси МЖТК нинг 180-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарлик содир этишлари билан боғлиқ ишлари [] шаҳар суди томонидан кўрилиб, суднинг 22.06.2020-йилги қарорига мувофиқ ҳар иккаласи 223.000 (1 баравар) сўмдан жарима жазоларига тортилишган. [] нинг шикояти асосида иш [] вилоят судида кўрилиб, суднинг 25.08.2020-йилги ҳал қилув қарори билан [] ҳақидаги суднинг қарори бекор қилинган ва унга нисбатан МЖТК нинг 21-моддаси қўлланилиб, [] ни огоҳлантиришлик билан кифояланилиб, у маъмурий жавобгарликдан озод этилган.

Бундан ташқари, [] вилояти маъмурий судининг 15.01.2019-йилги ҳал қилув қарори билан ўзгаришсиз қолдирилган, [] шаҳар маъмурий судининг 16.11.2018-йилги қарорига мувофиқ, [] туманинг [] коллежида ўтган сайёр суд мажлисида [] нинг

учун жарима жазосига тортилиши билан боғлиқ Ўзбекистон Республикаси МЖТК 52-моддасининг 2-қисмига оид иши ҳам [] нинг назорат



тартибидаги шикоятни асосида Ўзбекистон Республикаси Олий судининг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатида кўрилиб, ҳайъатнинг 02.08.2019-йилги қарори билан [REDACTED] ҳақидаги суд қарорлари бекор қилинган ва унинг маъмурий иши МЖТК 271-моддасининг 7-банди асосида тугатилган.

[REDACTED] нинг “ [REDACTED] ” номли профил остида Интернет тармоғининг “telegram” сайтига кириб, туман ҳокими [REDACTED] ни, фуқаро [REDACTED] ларни ҳақоратлагани, уларга нисбатан тўхмат қилгани, булардан ташқари М.Эргашеванинг яшаш уйи хонадонига ҳақоратли сўзлар ёзилган варақаларни ташлагани, шунингдек [REDACTED] ни бошқа вақт ва бошқа ҳолатларда ҳам фуқаро [REDACTED] ни ҳақоратлаганига оид маъмурий ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ жиноят ишининг [REDACTED] га тегишли бир қисми материал тариқасида ажратилгани ва материал ҳал этишлик учун [REDACTED] тумани ИИБ ХПБ га юборилгани, жиноят ишида [REDACTED] шаҳар ИИО ФМБ ТБ терговчиси [REDACTED] нинг шунга оид 04.02.2020-йилги қарори мавжудлиги сабабли, ҳолатга аниқлик киритиш мақсадида апелляция инстанцияси судининг 15.09.2020-йилги хати [REDACTED] шаҳар ИИО ФМБ бошлиғига юборилди.

[REDACTED] шаҳар ИИО ФМБ бошлиғининг 24.09.2020-йилги хатида, ҳолат юзасидан тўпланган ҳужжатларни ҳудудийлик жиҳатидан тегишлилигига кўра қонуний ҳал этиш учун [REDACTED] туманига юбориш тўғрисидаги қарорга келингани ва 8 варақдан иборат ҳужжатлар кўрсатилган манзилга юборилгани маълум қилинган.

Апелляция инстанцияси суди мажлисидаги [REDACTED] нинг ўз музокара сўзида, судга тақдим қилган ҳужжатларида [REDACTED] ва [REDACTED] ларга оғирроқ жазо турини қўллашни сўраши билан боғлиқ вазларини судлов ҳайъати ўринсиз вазлар деб ҳисоблайди, чунки юқорида қайд этилганидек [REDACTED] ларга қонун доирасидаги асосли жазо чоралари тайинланганини, [REDACTED] нинг моддий-маънавий зарарларни ундириш масаласини ҳал этиш билан боғлиқ вазлари юзасидан эса судлов ҳайъати, биринчи инстанция суди томонидан мазкур масала юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга мурожаат қилиш ҳуқуқларига эга экани унга тушунтирилганини алоҳида эътиборга олади ва судлов ҳайъати шу тариқа шикоятдаги, апелляция инстанцияси суди мажлисида тарафлар томонидан билдирилган ҳамда судга ёзма тарзда тақдим қилинган барча вазларни яна бир бор муҳокама қилиб, юқорида келтирилган асосларга кўра ҳамда бу вазларнинг биринчи инстанция суди томонидан ҳам атрофлича муҳокама қилиниб асосли рад этилганини ҳисобга олган ҳолда улар суднинг ҳукмини ўзгартиришга ёки бекор қилишга асос бўлолмайди деган қатъий ҳулосага келади.

Судлов ҳайъати шуларга кўра, суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни эса қаноатлантirmасдан қолдиришни лозим топади.

Бинобарин, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 490, 496, 497¹¹, 497¹³, 497¹⁶, 497¹⁸ моддаларига риоя қилиб,



